



Коммунист руслар Туркистон ихтиёрини ўз кўлларига киритишларидан аввал коммунизм амалда қандай бўлишини бу ерда ҳеч ким билмасди. Маълумки, рус социал-демократ ишчи партияси (РСДРП) аъзоларидан ҳеч бири 1917 йил инқилобига қадар ўзини коммунист деб атамасди (Park, Bolshevism, 124-6. «Ўрта Осиёда на февраль инқилобидан аввал социал-демократик партия ва на Октябрь инқилобидан сўнг болшевик ташкилотлари мавжуд эди. «Коммунистик ҳаракатининг маркази бўлган Тошкентда 1917 йил декабрида фақат 74 нафар рус коммунист бор эди. Хатто 1918 йил июлида бу миқдор зўрга 261 тага етди. Киёсланг: Иноятлов, Октябрьская революция в Узбекистане, - Москва: 1958, 156-6.). Шундай экан, Русия коммунистларининг Туркистондаги нуфузи ҳақида баҳс юритиш мумкин эмас. РСДРП доирасидаги коммунистлар ҳам фақат 1917 йил март билан ноябрь орасида кўзга ташлана бошладилар. Коммунизм соф бир рус тушунчаси бўлиб қолиб, туркистонликлар орасида тарафдорлар топа олмадигина эмас, балки уларга эргашмадилар ҳам. Рус коммунистлари Туркистонда кизгин ҳаракат қилдилар. Туркистонликларнинг на Русия КП дан, на коммунистик дунё-қарашдан хабари бор эди. Бунинг жуда кўп сабаблари мавжуд: Туркистонда ишчи синфининг йўқлиги, ислом доирасида бошқа мафкураларга моддий ва маънавий эҳтиёжи йўқлиги қабилардир. Русиядан нима келса, бегона эди. Руслар ва улар келтирган янгиликлар» шунчалик ёт эдики, хатто руслар олиб келган электр воситасида ёритишни «шайтон чирок» деб талқин қилишди. Шу ҳолатда инқилобдан аввал ҳеч бир кимса Туркистонда коммунизм мафкурасини тарғиб қила олмади. Демак, ташкилотчилик нуктаи назаридан рус коммунистлари билан уюштириш мумкин эмасди. Петербургдаги коммунистик инқилоб Туркистонга ҳам соя ташлади. РСДРП ва социал инқилоб партиясидаги рус коммунистлари Туркистондаги (маълум сабабларга кўра)

ўзларининг ҳокимиятини мустаҳкам деб ҳисоблардилар. Улар биринчи навбатда Тошкентда ҳокимиятни кўлга олиш учун шошилдилар. Юкорида зикр этилган партияларнинг ҳам ҳаракати булмаганда улар мақсадга эриша олмасди. Коммунистлар, социал-демократлар ва социал инкилобчилар Тошкентда ҳукмронликни бўлишиб олишди. Аммо рус коммунистлари ўз сафига бирорта ҳам туркистонликни йўлатмасдан, Туркистоннинг яққа ҳокими бўлишни орзу қиларди. Улар Петербургда ҳокимият ўзларининг кўлига ўтганлигидан ва у ерда шўролар кўринишида расман ҳокимият эгасига айланганликлари туфайли Туркистон идорасини ўз кўлига олишга қодир ва ҳақли деб билардилар. Русиянинг шўро давлати бу ердаги фаолиятини тезлаштирмаганида Туркистонда коммунистик ҳаракат англаб етилмас эди. Шу сабабли шўро коммунистларининг қуйидаги фикрлари диққатни ўзига жалб қилади: «Туркистонда шўро ҳокимиятини ўрнатган факат болшевиклар партияси эмас. Балки шўро ҳокимияти болшевиклар ва сўл оқим социал инкилобчи партияларидан ташкил топганлигидандир(Тўлик маълумот учун қаранг: Антропов, что и как 35-6. Коммунистик партия ташкилотларини Туркистонда ҳам ташкил қилиш учун шўро давлатининг тадбирларига доир қаранг: Hayit, Sowjetrussische Orientpolitik, 55 - 71 б.).

Коммунистлар дастлаб социал-демократлар (меншевиклар] ва социал инкилобчилар билан биргаликда ҳукумат тузишди. 1917 йил 15 нафар шўро комиссарининг беш нафари коммунист, икки нафари максималист (булар социал инкилобчилардан ажралиб чиққан бўлиб, социал-демократлар билан ҳамфикр эдилар) ва саккиз нафари социал-инкилобчилар эди(Уразаев, Денин и строительство, 163-6: 1918 йил 1 майда Туркистон АССР шўроси (коммунистик ва социал-революционерлардан ташкил топган) икки партиядан майдонга келди. Коммунистлар: Ко-лесов, Казаков: Полторацкий, Ренесланте, Осипов ва Ашурходжаев. Киёсланг. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. - Алма-Ата: 1963,1, 26 - 27 б.).

Туркистонда коммунистлар ва социал-демократлар 1919 йилгача устунликка эришиш учун ўзаро курашдилар. Социал-демократ русларнинг 1919 йил январида уруш комиссари Осипов бошчилигидаги исёни бостирилиши билан уларнинг ҳокимият учун курашига ҳам нукта қўйилди. Социал-демократларнинг катта бир қисми 1919 йил мартда коммунистлар сафига қўшилишга қарор қилди(Муравьевский (В. Лопухов), Ўрта Осиёдаги инкилобий ҳаракат тўғрисида тарихий парчалар. - Самарканд-Тошкент: 1927, 57-6.). Социал-демократлар 1917 йилдаёқ коммунистлар билан аралаша бошлаган эди, 1916 йил февралда тезлик билан РСДРПнинг Туркистон ташкилотлари бирлиги тузилган бўлиб, ўша вақтдан бошлаб, коммунистлар фаолият кўрсатиб келмоқда эди. РСДРП ташкилотларининг 1917 йил 21-27 июнидаги Тошкент анжуманида бу партиядан бир болшевик гуруҳи майдонга келган эди. Анжуман вакилларининг 31 нафаридан 11 нафари болшевик эди. Аммо улар РСДРП доирасида мустақил бир гуруҳ сифатида очик иш кўрмадилар. Коммунистлар Тошкентда тизгинни кўлга олгандан кейин ҳам РСДРП номидан иш кўрдилар. 1918 йил 17 июндагина Тошкентда коммунистлар анжумани уюштирилиб, унда Туркистонда яшовчи 1500 рус коммунистларининг 43 вакили қатнашди. Кейинроқ бу анжуман 1 кенгаш деб атала бошланди. Анжуманда Туркистон Коммунистик партияси (ТПК) Русия КПсининг бир бўлаги сифатида шаклланиши қонунлаштирилди(История коммунистической организации, Средней Азии, 269-6.). 1918 йил 17-29 декабрида коммунистларнинг иккинчи анжумани бўлиб ўтди. Бу даврда Туркистонда 900 ерлик халқдан ва 400 бошқа миллатлардан иборат 1300 коммунист қайд қилинди(Коммунистическая партия Туркестана и Узбекистан в цифрах, 1918 - 1967. -

Тошкент: 1968,15-6.). 19 1 9 йил мартида ТКПнинг навбатдаги конференциясида Коммунистик партия Марказий кўмита-сининг мусулмонлар бюроси тузиш масаласи кўрилди. У ТКПнинг бир ёрдамчи органи бўлиши назарда тутиларди: «Туркистоннинг ўзига хос шароити КП ихтиёридаги мусулмонлар бюроси тузилишини тақозо қилади. Партиянинг туб аҳолига яқинлашишига бир йўл топиш учун, партия ҳаракатларини мамлакатнинг ижтимоий шароитларига ва тил хусусиятларига уйғунлаштириш учун бу ташкилот зарурдир»(История коммунистических организаций, 339-6. Мусулмон бюросининг вазифалари сифатида: «Иштирокиюн» газетасини коммунистик руҳда чиқариш, миллий комиссарлик доирасида ташвиқот идораси ва ташкилотлаштириш ва коммунистик адабиётларни таржима қилиш кўрсатилган эди. Киёсланг: Шарапов, Национальное секции РКП (6], - Казань: 1967,134-6.)). Бундан очик кўриниб турибдики, шу вақтгача ТКП туб халққа туташтирадиган бир йўл топа олмаган.

1919 йил 24-30 майда мусулмонлар хайъатининг ilk анжумани бўлиб, унда раҳбар кенгаши сайланди(Раҳбарликка дахли бўлган кишилар: Турор Рискул, Аббос Алиев, Эфендиев, Н. Ходжаев, Турсунхўжаев, Исаев, Фаҳриддинов, Абдурашидов, Мухитдинов.). Бу кенгаш Русия коммунистик партияси йўлланмасини тарғибот қилишга мажбур бўлди. Шу билан бирга бу кенгаш Туркистоннинг келажаги ҳақида ўз йўриги билан юришга журъат этди ва бу жихатдан Русия КП ТКПнинг рақиби бўлиб қолди. ТКПнинг 12-18 январь 1920 йил 5-анжуманида ва Мусулмонлар хайъатининг 3-анжуманида Мусулмонлар хайъати раиси Турар Рискулов «Миллий масалалар ва миллий коммунистик шўбалар» юзасидан ахборот берди. Ахборотда Рискулов Туркистон мухтор ССЖ ва ТКП номларини «турк жумҳурияти» ва «Турк КП» деб ўзгартиришни талаб қилди. Узок муно-заралардан сўнг ТКПнинг 5-ва Мусулмон хайъатининг 3-анжумани Рискуловнинг таклифини маъқуллаган қарор қабул қилди. Рус-шўро раҳбарлари Туркистон жаҳласи бош кўмондони Фрунзе билан бу қарорни бекор қилди. Русия КП Марказий кўмитаси 1920 йил 8-мартида бу қарорни асоссиз деб ҳисоблади(История Коммунистической организации... 338-бет. Ленин шундай деганди: «Аминманки, Рискуловнинг лойиҳаси рад этилади. Киёсланг. Устинов, Ленинская политика партии на Востоке... - Фрунзе: 1963, 62-6.). Мусулмон хайъати барибир муваққил ҳаракат қилишга интиларди. Фақат Москвадаги коммунист йўлбошчиларида туркистонлик коммунистларнинг ўз ҳолича бўйруқсиз иш тутишига кўникиш нияти йўқ эди. Русия коммунистик партияси МК «миллий КПлар шўбалари воситасида КП ташвиқотини фақат она тилларида олиб борилишини мўлжал қилганди»(Шарапов. Национальме секции, 77-6.). ТКП мусулмон хайъати РКП кўрсатмасига қўшилмаса ҳам Турккомиссия ТКПнинг янги анжуманини чақиритиш ниятида бўлди. 1920 йил сентябрида ТКПнинг 6-анжумани Туркистонда бирлашган КП ташкилоти бўлиши ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ кейинроқ 1922 йил январиди Мусулмонлар хайъати тарқатиб юборилди. Она тилида ташвиқот қилиш ТКП-нинг ташвиқот ва тарғибот шўбасига топширилди. Шу билан бирга ТКП Марказий кўмитаси қошида миллий шўба тузишга (Туркистоннинг маҳаллий коммунистлари учун) руҳсат берилди. Москва ва Тошкентдаги рус КП раҳбарлари Туркистонда истикомат қилаётган Шарқий Оврўпо ва Шарқ миллатларининг коммунистлари ҳам коммунистик гоёни тарқатишга ҳаракат қилди. 1915 йилда Тошкентга 200000га яқин ҳарбий асирлар йиғилган эди. Улар 1918 йили 27 апрель фармони билан эркинликка чиқдилар. Фармон чиққан вақтда Туркистонда 50 000га яқин асир бор эди. Булардан бошқа Шарқий Туркистон ва Хитойдан келган 279000 ва Эрондан ўтган 68 000 га яқин қочқоқлар ҳам бор эди. 1918 йил барча бегона миллатлар сафида 2200 коммунист

кайд килинди. 1918 йили 8 декабрда чет эллик коммунистларнинг илк конференцияси Тошкентда очилди. Хорижий коммунистлар микдори тобора кўпайиб борди. 1920 йил августигача Туркистонда 3194 хорижий коммунист бор эди(Бу хорижий коммунистлардан 884 нафари можар, 622 олмон, 128 чехословак, 19 румин, 188 югослав, 200 поляк, 648 уйгур ва хитой, 495 форс ва Ютаси хинди эди. Киёсланг: Сологубов, Иностран-Нбие коммунисты! в Туркестане, 1918 - 1921 г.г., Ташкент, 1961, 57-6.). Булар рус-шўро ҳокимиятини ўрнатишда алоҳида роль ўйнадилар(Пролетарские интернационалистш, «Звезда Востока», 1961, N011,153 - 163.). 1920 йил 17 ок-табрида Тошкентда Шефик бошчилигида Хиндистон КП тузилди. 1921 йил июнида эса Эрон коммунистик ташкилоти бўлмиш «Адолат» яратилди. Рус-шўро бошликлари хорижий коммунистик партиялар тузиш бўйича жуда устаси фаранг эди. Русияда, аниқроғи Московда 1918 йил 20 июлида 20 нафар турк асири Мустафо Субхий (1883 - 1921) раҳбарлигида йигилиш ўтказиб, «Турк социалистик коммунист партияси» тузди(Русияда Туркия учун ташкил килинган коммунистик партия ҳақида қаранг: М. А. Перзиц, Турецкие интернационалистм в России, «Народм Азии и Африки», 1967, №5., 59 - 68 б.). Худди шу йўсинда, 1918 йил 25 сентабрда 10 нафар бухоролик қочоқлардан Бухоро Коммунистик партияси майдонга келтирилди(История Коммунистической организации, 448-б.). Хоразм КП гуруҳи (Тўрткўл) Петроалександровскда ҳосил килинди. Кейин улар 1920 - 1924 йилларда Хоразм КП сифатида фаолият қурсатди(История Коммунистической организации, 458-б., Хоразм Коммунистик партияси мавзусида қаранг: 1966, №4., Sheely, The Khorazm communist Party, CAR, 308 - 320 б.). Московдаги раҳбарлар бундан ташқари қам сонли Шарқ миллатлари коммунистларининг (Кавказ, Қрим, Идил-Урал ва Туркистонда) ташкилотларини тузар, уларни ўзи хоҳдаган йўлга бошлай оларди. 1918 йил ноябрида Бутун Русия, Шарқ мамлакатлари коммунистик ташкилотларининг илк анжумани Московда очилди(Шарапов, Национальнме секции, 88-б: «Ўрта Осиё, Қозогистон, Кавказ ва Сибирь ташкилотларининг вакиллари қонгрессда ҳозир бўлмадилар»). Бу анжуман РКП (б) мусулмон ташкилотларининг марказий кенгашини тузишга қарор қилди. Бироз муддатдан сўнг бу кенгашнинг номи таҳдид қилиниб, «мусулмонлар» сўзи ўрнига «Шарқ миллатлари» деб ўзгартрилди. Шарқ миллатлари сафида 45 000 атрофида коммунист борлиги ҳақида қарорат берган марказий кенгашнинг нуфузли аъзоларидан Султон Ғалиев Шарқ миллатлари коммунистик партияси тузиш эҳтиёжи тугилганлиги фикрини илғари сурди. Бу тақлиф, табиийки, РКП МК томонидан рад этилди. РКП (б) МК бу ташкилотга муҳторлик мақоми беришни истамди, албатта. 1920 йил декабрида Шарқ миллатлари коммунистик ташкилотлари кенгаши РКП МК ташвиқот ва тарғибот шўъбасига тобелиги ҳақида қарор қабул қилинди. 1921 йил 9 февралда бу кенгаш тарқатиб юборилди. Бунинг ўрнига РКП МК РСФСРдаги турк қавмлар орасида ташвиқот ва тарғибот олиб борадиган махсус «марказий кенгаш» ташкил қилди. Шўро Русиясидан четдаги Шарқ миллатлари (Бухоро ва Хива ҳам шу тоифага мансуб) орасида ташвиқот олиб боровчи «Шарқ миллатлари коммунистик ташкилотлари марказий кенгаши» йўқ қилинган, унинг вазифаси 1920 йилда Тошкентда тузилган «Шарқда байналмилал ташвиқот шўроси»га юқлатилди. 1922 йил 22 январда турки қавмлар орасида ташвиқот-тарғибот олиб боровчи марказий кенгаш ҳам тугатилди. Турклар орасида коммунистлар сонини кўпайтириш учун олиб қилинган ташвиқотнинг қучайтирилиши, фақат тенг ҳуқуқли «миллий КП»ни қескин рад қилишга олиб қелди. 1921 йили ТКП сафида 57810 аъзо ва номзодлар борлиги қилдирилди. Бу микдор

1921 йили 73299тага кўпайтирилди. ТКП рахбарияти ўз коммунистлари орасидаги рус шовинизмини ва турк миллий жараёни бартараф қила олмай қолди. Шунинг учун партия сафларини тозалаш зарур бўлди. 1921 - 1922 йиллардаги тозалашдан сўнг ТКП сафларида атиги 22296 аъзо ва 9506 номзод қолганди(Коммунистическая партия Туркестана, 37-6. Коммунистларни қайта рўйхатга олиш (1921 й.) дан кейин Коммунистик партиядан 24093 киши чиқарилди. Бу Туркистон Коммунистик партияси аъзоларининг қарийб 40% ташкил этарди. Киёсланг: Очерки истории Коммунистической партии Туркестана. - Ташкент: 1960, 59-6.).

1919 йили 10 июлидан бери Козок вилояти Инкилоб кўмитасига тобе бўлган собик Дашт волиилигида 1920 йили 30 апрелида РКП козок ўлка кўмитаси тузилди. Шундай қилиб, Козогистонда коммунистик ҳаракатнинг йўналиши бошланди. Бу ўлкада 16578 коммунист бор эди(Очерки по истории коммунистической партии Казахстана, 173-6.). Туркистон халқи (собик Туркистон ва Дашт волииликлари халқи) коммунистик гоёни шубҳа билан қарши олди. 1920 йили Туркистон халқининг умумий нуфузи 12260200 нафар бўлиб, шуларнинг 27793 нафари (1922 йил) коммунист эди(Шарапов, Национальме секции, 238-6.). Бу коммунистларнинг 7889 нафаригина туб аҳолига мансуб бўлиб, ерлик халқнинг 0,7% ини ташкил қиларди(Уларнинг орасида 4848 нафари козок ва қирғиз, 2043 нафар ўзбек, 1000 нафар туркман ва бошқалар бор эди. Киёсланг: Шарапов, Национальме секции, 245-6.). Табиийки, бу маҳдллий коммунистлар коммунистик мафкуранинг вақили сифатида ҳисобга олинмас эди. Шу сабабли, Туркистонда коммунизм (хокимият ва мафкураси) Туркистон халқига суянган деювчилар қатъий янглишадилар. Шўро давлати ва Россия КПнинг босқини бўлмаганда эди, Туркистонга коммунизм ёйилмасди. Туркистонликлар коммунизм асосларини билмасдилар. Коммунист бўлганлар, коммунизм асосларини билгани учун эмас, балки ё шахсий манфаат юзасидан, ёки ўз миллий манфаатларини амалга ошириш қулай бўлиши учун КП сафидан ўрин олардилар.

Марксизм-ленинизм ташвиқоти ҳам 1924 йилга қадар кенг доирада эмас, балки маълум фурсатдагина амалга оширилди эди. Маркс, Энгельс ва Ленин асарларини халқ орасида тарқатиш учун Туркистонда 1922 йили рус тилида 48850 нусхада 39 асар нашр қилинди. 175550 нусхада 44 асар турк лаҳжаларда нашр қилинди. 1924 йилда турк лаҳдсаларда 47 асар 344000 нусхада чоп қилинди(Қаринов, Печать Советского Туркестана. 60-6.). Бу асарларнинг барчаси ўрусчадан таржималардир. Фақат 1925 йили Неъмат Ҳаким материализмнинг таҳдилига бағишланган «Диалектик моддачилик» асарини ўзбек туркчасида нашр этди(Из истории марксистколенинской философии, 29-6.). Кейинги йилларда «Марксизм-ленинизм принциплари» билан кенг шугулланилди. Туркистонда коммунизмни ташвиқ қилиш ҳар жихатдан аввало, шўро хоқимиятини мустаҳкамлашга қаратилган. Шу сабабли шўро хоқимиятини халққа тушунтириш учун алоҳида эътибор берилди: Ўрусиядан қелган шўро хоқимияти ва коммунизм гоёси Туркистоннинг юмшоқ пахта тоғларига ин қўйиши ва аксинча, халқнинг метиндай қаршилигига дуч қелиши ортиқ исбот талаб қилмасе керак. Буларни ҳал қилиш учун шўро рахбарияти халқни коммунизм руҳида тарбиялашга зўр бериши табиий бир ҳол эди.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой ораллигида" қитобидан

